



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
ТОМ 7, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST  
VOLUME 7, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2024

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Аминова Азиза Марковна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Навоий давлат педагогика институти

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент ирригация ва кишлоқ  
хужалиғини механизациялаш  
муҳандислари институти  
Миллий тадқиқот университети

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайжон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз далам педагогика институти

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети


Page Maker | Верстка | Са, ифаловчи: @tadqiqotdesign

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


<b>1. Чу Бей Бей</b> ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА МАДАНИЙ-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ЎРНИ.....	4
<b>2. Yoo In Young</b> ILK O'RTA ASRLARDA MARKAZIY OSIYO XALQLARINING SILLA QIROLLIGI BILAN IQTISODIY VA MADANIY ALOQALARI.....	9
<b>3. Umurzok Alibekov</b> USTRUSHONA DENQONCHILIK MADANIYATI TADRIJIY TARAQQIYOTIDA ARXAIK DENQONCHILIK AN'ANALARINING O'RNI.....	14
<b>4. Нилуфар Джураева</b> ЖАДИДЧИЛИК: МИЛЛИЙ МАОРИФ ТИЗИМИГА АЁЛЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ МАСАЛАСИ.....	23
<b>5. Обиджан Мадаминов</b> ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚАРО ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ.....	31
<b>6. Моҳира Матназарова</b> ҚАДИМГИ ХОРАЗМ КЎЧМАНЧИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ МАСАЛАЛАРИ.....	36
<b>7. Сапарбой Наврузов</b> АКАДЕМИК РАССОМ ДМИТРИЕВ КАВКАЗСКИЙНИНГ ХИВА ТААССУРОТЛАРИ.....	41
<b>8. Ismoil Nurmetov</b> XX ASRNING 20-30 YILLARIDA O'ZBEKISTONDA HUQUQ-TARTIBOT ORGANLARI FAOLIYATI (Xorazm viloyati misolida).....	50
<b>9. Севара Пулатова</b> МАДАНИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА.....	56
<b>10. Sardor Umarov</b> BIRLASHGAN GERMANIYA: IJTIMOIY-IQTISODIY MUAMMOLAR.....	62
<b>11. Баҳодир Эшов</b> ҚАДИМГИ СЎҒДНИНГ МИНТАҚАВИЙ МИГРАЦИЯ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ.....	69
<b>12. Одил Эргашев</b> ҚОПЧИҒОЙ УСТАХОНАСИ МУСТЪЕ ДАВРИ КОМПЛЕКСИНИНГ МАДАНИЙ-ДАВРИЙ ХОСЛИГИ ҲАҚИДА.....	76



**Нилуфар Далибаевна Джураева,**  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири,  
тарих фанлари номзоди, доцент

### **ЖАДИДЧИЛИК: МИЛЛИЙ МАОРИФ ТИЗИМИГА АЁЛЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ МАСАЛАСИ**

**For citation:** Nilufar D.Djuraeva. JADIDISM: ISSUES OF INVOLVING WOMEN IN THE NATIONAL EDUCATION SYSTEM. Look to the past. 2024, vol. 7, issue 2, pp.23-30

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10643333>

#### **АННОТАЦИЯ**

Мақолада маърифатпарвар жадидлар жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этган маърифат ва маънавият масалаларига биринчи даражали аҳамият берган ҳолда хотин-қизларни маориф соҳасига кенг жалб қилиш ташаббуси билан чиққанлиги ёритилган. Шунингдек, жадидчилик ҳаракати намояндаларининг хотин-қизларни миллий маориф тизимига жалб этиш, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни борасидаги қарашлари мисоллар асосида кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** маърифатпарвар, жадид, жамият, тараққиёт, маърифат, маънавият, хотин-қизлар, маориф, оила.

---

**Нилуфар Далибаевна Джураева,**  
Узбекский государственный университет мировых языков  
заведующий кафедрой истории Узбекистана,  
кандидат исторических наук, доцент

### **ДЖАДИДИЗМ: ВОПРОСЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ЖЕНЩИН В СИСТЕМЕ НАЦИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

#### **АННОТАЦИЯ**

В статье научно обосновано, что просвещенные современники выступили с инициативой широкого вовлечения женщин в сферу образования, придавая первостепенное значение вопросам просвещения и духовности, имеющим большое значение в развитии общества. Также на основе примеров показаны взгляды представителей джадидистского движения на вовлечение женщин в национальную систему образования, их роль в семье и обществе.

**Ключевые слова:** просвещенный, современное, общество, развитие, просвещение, духовность, женщина, образование, семья.

**Nilufar D.Djuraeva,**  
Uzbek State University of World Languages  
Head of the Department of History of Uzbekistan,  
Candidate of Historical Sciences, Associate Professor

## JADIDISM: ISSUES OF INVOLVING WOMEN IN THE NATIONAL EDUCATION SYSTEM

### ABSTRACT

The article scientifically substantiates that enlightened contemporaries took the initiative to widely involve women in the field of education, attaching paramount importance to issues of education and spirituality, which are of great importance in the development of society. Also, based on examples, the views of representatives of the Jadidist movement on the involvement of women in the national education system, their role in the family and society are shown.

**Index Terms:** enlightened, modern, society, development, enlightenment, spirituality, woman, education, family.

### 1. Долзарблиги:

Янги Ўзбекистон шароитида жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги туб ислохотлар халқнинг маънавий-маърифий дунёқараши билан бевосита боғлиқдир. Бу жараёнда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётнинг маънавий-маърифий соҳаларидаги ўрни ва роли алоҳидадир. Чунки, Президент Ш.Мирзиёев ибораси билан айтганда, “Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати билан белгиланади”, деган ҳикматли сўзларда албатта чуқур маъно бор”[1]. Инсон камолоти, айниқса авлод тарбиясига масъул миллат тарбиячиси бўлган аёлларнинг маънавияти, фазлу камоли доимо жамиятнинг маънавий-ахлоқий қатламларини бойитувчи энг биринчи мезон ҳисобланиб келинган. Бу ҳақиқатни асримизнинг бошларидаёқ тўлиқ англаб етган маърифатпарвар жадидлар жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этган маърифат ва маънавият масалаларига биринчи даражали аҳамият берган ҳолда хотин-қизларни маориф соҳасига кенг жалб қилиш ташаббуси билан чиқдилар. Абдулла Авлоний “Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур?”- деган саволга “Биринчи - уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи –мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур”,-деб жавоб берган эди[2]. Ҳақиқатдан ҳам, миллат тарбиясига, биринчи навбатда, оналар масъулдилар.

Аёллар миллат таянчи экан, уларнинг аввало ўзлари билимли бўлишлари талаб этилиши ҳақида Абдурауф Фитрат “миллат оналари тарбия ва илм олишлари лозим, ахлоқ ва билимларини камолга етказишлари зарур”[3],- деган эди. Шунинг учун ҳам, жадидлар ХХ аср бошларида хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга жалб этишда ва уларни маърифатли қилишда муҳим ҳисса қўшишди. Бу борада миллий тараққийпарварлар хотин-қизларнинг маориф соҳасига жалб қилишга алоҳида эътибор қаратдилар[4].

Маърифатпарвар жадидларнинг аёлларга муносабат масаласида уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини кўтаришдан иборат таклифлари, ижтимоий қарашлари ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан бугун ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Айниқса, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида хотин-қизларнинг билим олиши учун кенг имкониятлар яратилиши Президент Ш.Мирзиёев сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Шу ўринда 2023 йил 11-12 ноябрь кунлари бўлиб ўтган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусида халқаро илмий конференцияда иштирок этган Президент ёрдамчиси С.Мирзиёевнинг куйидаги фикрларини келтириб ўтиш ўринлидир: “Мен таълим олиш учун Европага борган, ўз юртига қайтгач, ноҳақ айбловлар билан қийноққа солинган, турли азоб ва синовларга қарамай руҳи синмаган, жадидлар издоши Марям Султонмуродовани эслаб ўтмоқчиман. Унинг матонати, қатъияти, бошига қандай оғир кунлар тушмасин, ҳаётини ватан ва миллат хизматида бағишлагани барчамизга ибрат мактаби бўла олади. Бугун шу фурсатдан фойдаланиб, барча хотин-қизларимизни ҳаётда фаол бўлишга, билим олишга, ўз устиларида ишлашга, Марям каби ҳеч

нимадан кўрқмай, аниқ мақсад сари ҳаракат қилишга чакираман. Чунки бугун Ўзбекистонда илм-маърифатга интилиш хавф эмас, балки эҳтиёждир. Бугунги Ўзбекистонга ана шундай Марямлар керак”[5].



**2. Методлар ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси:**

Мақолада кўтарилган муаммо, яъни жадидчилик ҳаракати намояндаларининг миллий маориф тизимига аёлларни жалб этиш масаласи илмийлик, холислик, тарихийлик, тизимлилик каби ёндашувлар асосида таҳлил қилинган. Мавзу тарихчи олималардан Д.Алимова, С.Агзамхўжаев, Я.Абдуллаева, Н.Мустафаева, Д.Раджабова, ижтимоий фалсафа йўналишида С.Сафаева каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Жадидчилик деб аталган миллий-маърифий ҳаракат намояндлари М.Бехбудий, А.Фитрат, А.Авлоний, А.Чўлпон ва бошқалар хотин-қизларни маърифатли қилиш, уларни барча ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларда тўла ҳуқуқ билан иштирок этишларига эришиш учун ҳаракатга раҳнамолик қилдилар[6].

Улар жамиятнинг интеллектуал даражаси кўпроқ хотин-қизлар аҳволининг қай даражада эканлиги билан боғлиқ деб ҳисоблаган ҳолда, жамиятни тубдан ўзгартириш ёки янгидан тузиш учун биринчи навбатда мусулмон ҳаётида (оламида) хотин-қизларининг ўрни ва ролига қарашларни ўзгартириш билан боғлиқ бўлган маданий-маърифий ва маиший соҳаларни ислоҳ қилишдан бошлаш лозим деб таъкидлашди [7].

Уларнинг хотин-қизлар масаласига муносабатини тезис шаклида қуйидагича ифодалаш мумкин:

- аёлларнинг билими эркакларга нисбатан кам бўлмаслиги лозимлиги;
- янги авлоднинг қандай бўлиши миллат тарбиячиси бўлган аёллар билими билан боғликлиги;
- аёлларнинг ҳурмат ва эҳтиромга муносиб эканлиги;
- тенгҳуқуқлик уй-рўзгор мужбуриятларининг тўғри тақсимоти билан боғликлиги;
- эркак-таъминловчи, аёл- уй юмушларининг бажарувчиси, фарзанд тарбияси эса умумий эканлиги шулар жумласидандир.

Маърифатпарварларнинг энг кўзга кўринган намояндаларидан бири Мунаввар Қорининг Туркистонда мактаб таълимини ислоҳ этиш, халқни маърифатли қилиш ва тараққиёт йўлига олиб чиқишда хизмати каттадир. Бунда унинг ижтимоий келиб чиқиши муҳим роль ўйнаган десак, муболаға бўлмайди[8].

Мунаввар Қори хотин-қизларнинг таълим олиши масаласида шундай дейди: “1907 йилдаёқ зиёлилар ташаббуси билан ўғил ва қизлар учун умумий бўлган янги усулдаги мактаб очилган. Бундан ташқари аёллар учун махсус усули жаҳид мактаблари ҳам ташкил этилган” [9]. 1907 йилда Петро-Александровскда, 1909 йилда Хива хонлигига қарашли Хўжайли ва Қўнғиротда янги усул мактаблари ташкил этилган. Мазкур мактабларда ўзбек, қорақалпоқ, татар, туркман миллатига мансуб ўғил ва қиз болалар таҳсил олган. Петро-Александровскдаги мактабда қизлар синфи бўлиб, унда Бону Салимова қизларга сабоқ берган. Бу янги усулдаги мактабда болалар биринчи йили бепул ўқитилган, кейинчалик ўқувчининг оилавий шароитига қараб, бой оилалар фарзандлари учун 1 рубль, ўрта ҳол оила фарзанди учун 25 копеек ўқиш пули белгиланган. Уни ҳам тўлай олмайдиганлар текинга ўқитилган. 1911 йилда ўқувчилар сони 50 нафардан ошган, 1916 йилда бу мактабда 20 нафар қиз бола таҳсил олган. Қизлар бу ерда савод чиқариш билан бирга уй-рўзғор ишларига ҳам ўргатилган. Бироқ, мазкур таълим даргоҳи 1916 йилги қўзғолондан сўнг, унинг ташкилотчиси Ю.Аҳмедов қўзғолон иштирокчиси сифатида қамоққа олингандан сўнг, ёпиб қўйилган[10].

Дастлабки махсус хотин-қизлар мактабларидан бири Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида Башорат Жалилова томонидан 1917 йилнинг декабрида ташкил этилган бўлиб, унда 42 нафар ўзбек қизи таълим олган. 1918 йил эса, Тошкентнинг Лангар маҳалласида Рустамбек Юсуфбеков томонидан хотин-қизлар мактаби очилди. Шунингдек, Қоратош маҳалласида ҳам Саъдий номидаги худди шундай мактаб ташкил этилган. 1921 йилдан бошлаб ўзбек тилида биринчи хотин-қизлар газетаси - “Янгийўл” чоп этила бошланди. У ўзбек хотин-қизлар мактаби учун муҳим қўлланмага айланди[11].

Жаҳидлар хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ўрнатиш учун уларнинг саводхонлик даражасини кўтариш зарурлигини тушунганлар, акс ҳолда аёлларнинг ўз ҳуқуқлари поймол этилаётганини англаши ҳам мушкул бўлар эди. Ҳақиқатдан ҳам, етарли билимга эга бўлмаган аёл жамиятда ўз ўрнини топиши қийин бўлади.

XIX асрнинг биринчи ярми-XX аср бошларида минтақамизда етишиб чиққан Анбар Отин, Нозимахоним[12] каби маърифатпарвар аёллар ижоди ва фаолияти тарихийлик нуқтаи назаридан қараганда, том маънода Шарқ аёлларининг узоқ давом этган уйқудан уйғониш даври бўлди. Чунки, Ўрта Осиё хонликлари даврида мамлакатда мавжуд бўлган сиёсий беқарорлик, иқтисодий танглик, ҳокимият таллашиш, беҳуда қон тўкишлар, жабр-зулмнинг кучайиши, аёллар эркининг йўқлиги, хотин-қизларни илм олиш, билим ва тажрибаларни кенгайтириш имкониятидан маҳрум қилган эди.

Анбар Отин келажакни бевосита хотин-қизлар тақдири билан боғлаб ёритади ва асосий диққат-эътиборни мазлумаларга қаратади. Хусусан, уларнинг моддий ва маънавий турмушларида бўладиган ўзгаришлар характерини белгилашга уринади. Чунончи, бу ўзгаришлар шу пайтгача эзилиб келган хотин-қизларнинг барчаси (“тамоми мазлумалар”) ҳаётига тегишли бўлиб, қуйидагиларни қамраб олади:

1. Улар озод бўладилар.
2. Моддий ҳаётлари тубдан яхшиланади.
3. Оила муҳаббат асосида қурилиб, никоҳ тенг ҳуқуқли бўлади.
4. Аёллар жамият ишларида фаол иштирок этадилар.
5. Ижтимоий фаровонлик хотин-қизларнинг ҳар жиҳатдан мукаммал бўлишига

имкон яратади. Кўп хотинлилик “тарк” бўлиб, “ҳар эр битта хотун ила фароғотвор” кун кечиришига астойдил ишонади [13].

1914-15 йилларда Садойи Туркистон газетаси муҳбири сифатида фаолият юритган Тавалло (Тўлаган Хўжамёров)нинг “Қариндош ва ҳамшираларимиз мазлума қизлар тилиндан” шеърида қизларнинг оталарига хитобан уларни “ҳалокатдан”, “маломатдан”

кутқариш, ўқитиш, эрк бериш ҳақидаги илтижоси, шунингдек, келажак оила тенг ва саодатли, муҳаббат ва садоқатли асосда бўлиши лозимлиги ҳақидаги турмуш масаласи ўз ифодасини топган. У ўз шеърисида Туркистон аёллари номидан оталарга мурожаат қилиб, уларни мактабга бериш, ўқитиш, илм-маърифатли бўлишлари учун имконият беришларини ўтиниб сўрайди. Ҳатто уларнинг бу йўлда “ипак кийимлар, олтин тақинчоқлардан ҳам воз кечишлари, агарда илм олмасалар Лут қавмидек ер ютушига тайёр эканликларини” таъкидлайди[14].

Муҳаммадшариф Сўфизода эса ўз шеърисида Туркистон аёлларининг илмсизлик аҳволига жиддий ачингани ҳолда, уларга:

Миллат исломиясининг бонуси,

Ўзбек элининг қаро кўз охуси.

Қор қилур бир куни жохил оғуси,

Илм ва амал ушбу касал доруси.

Бой дадангиз озгина пул берса ҳам

Дафтар олинг сиз онга ё бир қалам, дея мурожаат қилади [15].

Шунингдек, Сирожиддин Сидқий ўзининг “Зарбулмасали Сидқий” асаридаги “Эр бирла хотунларнинг баёнида” деб аталган бобида аёлларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг иззатга лойиқ эканлигини шариат қонунлари асосида тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Айни пайтда аёлларнинг ҳам оила, ҳам жамият олдидаги бурчи ва масъулияти чиройли ривоятлар асосида баён қилинади [16].

Ўрта Осиё жадидчилиқ ҳаракатининг машҳур вакилларида бири Абдурауф Фитрат ўзининг “Оила” асарида оиланинг миллат ва жамият асосини ташкил этишини таъкидлаб, унинг давлат, ҳуқуқ, маърифат билан боғлиқ томонларини муҳокама қилади. У оила ҳаётининг янги низомини ишлаб чиқиш зарурлигини, чунки миллат тарбияси оила ҳаётидан бошланиши ҳақидаги ғояларини илгари суради [17]. Шунингдек, у яна “Биз фарзандларимизни яхши ҳулқ эгалари этиб тарбиялашимиз лозим, яъни шундай қилишимиз лозимки, фарзандларимиз имонли, фидокор, ғайратли бўлиб, улғайиб, ўз болаларини ислом тараққиётига мувофиқ тарбиялаб, дин ва диндошларини ҳалокат ва харобалиқ жарлигидан қутқарсинлар. Бу матлабга эришиш учун хотинларимиз ва қизларимиз-миллат оналари тарбия ва илм олишлари лозим, ахлоқ билимларини камолга етказишлари зарур. Акс ҳолда хотинларимиз эркаклардан ҳам кўрқоқроқ, заифроқ ва ғайратсиз бўлганларидан болаларимиз ҳам уларга ўхшаб кетадилар. Мана шу ояти қарима ҳам шу маънога ишора қилади: “Покиза ердан тоза ва фойдали ўсимлик осон ўсади ва покиза бўлмаган ердан хор-хасдан бошқа нарса чиқмайди”[18].

Жадидларнинг “Садойи Туркистон” газетаси саҳифаларида мунтазам равишда Абдулла Авлоний, Тавалло, Сўфизода, Мўминжон Тошкандий ва бошқаларнинг ўзбек хотин-қизларини илм олишга, ҳунар ўргатишга даъват этувчи, маърифатли хотин-қизларнинг фарзанд тарбиясидаги, ёш авлодни жамият учун керакли шахс этиб тарбиялашдаги ижобий ролини тарғиб қилувчи шеърлари чоп этиб борилган:

Фақат эрлар ўқуш ила бўлмас,

Қизларимиз ҳам бўлса ўқуғон,

Ўқуғон ёш йигитга нодон қиз-

Ёқмағай ҳеч бу сўзга брму гумон.

Болалар тарбиятлик ўлмак учун

Оналар бўлсун тарбият кўргон

Тарбиятсиз оналарнинг боласин,

Тузата олмас муаллим ҳеч йўқ илон[19].

Самарқанд жадидларидан бири Ҳожи Муин “Мазлума хотин” асарида фуқаролик ҳуқуқи поймол қилинган, ўзбек аёлининг ҳаётини тасвирлар экан, унинг жамият ривожланишининг, айниқса, ёш авлод таълим-тарбиясининг муҳим субъекти эканлигини таъкидлайди. Чунки, жамиятнинг соғломлиги, равнақи, қисмати асосан, аёлнинг баркамоллигига, заковатнинг бойлигига боғлиқдир[20].

Ҳожи Муин аёллари тарбияли бўлган жамиятнинг умри боқийдир, деб ҳисоблайди. Ҳожи Муин, ўзбек аёллари ҳам эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлишга ҳақлидирлар, деган масалани кўндаланг қилиб қўйган ҳолда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари масалаларини жамиятнинг бошқа ҳодисалари билан уйғунликда таҳлил қилди[21].

Жадидлардан яна бири Исмоил Ҳаққий ўзининг 1919 йилда чоп этилган “Маориф масаласи” номли мақоласида “жамият, башариятнинг ҳақиқий саодати яхши тарбия кўрмиш фазилатли хотинлар ила қойимдур”[22],-деб ёзган эди. У ҳам бошқа жадид намояндалари сингари “бир миллатнинг олға бормоғи учун эркаклар ила хотинларни баробар ёритмоқ, уларни бирлик ва баробаринлик ила ҳаракат эттирмоқ нақадар зарур”[23],-деб ҳисоблайди.

Исмоил Ҳаққий аёлнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳақида “хотинларимиз аввало ўзларининг бир оила раисаси эканликларини билмаклари керакдир.Ташкил этган оилаларини кудратли ишлари ила хусни идора этмоқлари шартдир. Башариятни етиштирган, инсониятни тарбия этган хотинлардир”,-дейди. Унинг фикрича “хотинлар башариятни етиштирмак, инсониятни тарбия этмак сифатиндан дод бўлсалар, башарият жуда ачинадирган бир ҳолга, инсоният жуда кўрқинчли бир дардга гирифторм бўлган бўлур. Инсон ўғлини ҳақиқатдан чин инсон этатурган, инсон ўғлини инсонликдан чиқаратурган хотинлардир”[24].

Исмоил Ҳаққий аёллар ўзларидаги ижобий хислатлар орқали “болаларни ўз замонаси учун эмас, келажак замон учун тарбиялашлари зарур”,-деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, оиладаги соғлом маънавий муҳит, фарзандларнинг тақдири, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши онанинг билими, дунёқараши, истеъдодига бевосита боғлиқ.

Манбалардан маълум бўлишича, миллатимизнинг етук намояндалари таржимаи ҳолларига назар ташласак, уларнинг аксарияти, масалан, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий онаси Ойшабибидан, Мунаввар қори Абдурашидхонов онаси Хосиятхон отиндан, Абдурауф Фитрат онаси Бибижондан, Исҳоқхон Ибрат онаси Ҳурибибидан биринчи тарбияни, илк илм-сабоқ сирларини ўрганиб, келгусида миллати, юрти учун жонкуяр, фидойи инсонлар бўлиб етишганлар[25].

Умуман олганда, жадидчилик ҳаракати жамият ривожига тўсиқ бўлаётган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги барҳам топган ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини, эркинликларини тиклаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш, маърифат қоқоқлиги ва ўрта асрдан сақланиб қолган эскича муносабатлардан қутулиш тўғрисидаги янги ғоявий оқимларни ўзлаштирарди ҳамда Ўрта Осиё мусулмон жамияти қоқоқлигини ва жаҳолатини бартараф этиш учун ғарб ютуқларини сингдиришни тарғиб қиларди. Чунки, жадидлар маърифатсиз жамиятда ҳукмронлик қиладиган ўзбошимчалик, жабр-зулм, адолатсизлик, жоҳиллик, зўравонлик авваломбор аёллар ҳаётида тезроқ ва тўлароқ ўз ифодасини топишини яхши англаган. Шунинг учун ҳам, улар хотин-қизларни маърифатли қилиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини ишга солиш, диний ва дунёвий илм имкониятларидан фойдаланишлари учун шароит яратиш, ўзбек аёлларини европа аёлларидек эркаклар билан тенг ҳуқуқли ҳаёт кечиришлари мумкинлиги ҳақида мушоҳада юритишиб, уларни янгича озод ҳаёт кечиришга чақиришган.

#### **4. Хулосалар:**

Хулоса қилиб айтганда, жадидларнинг совет ҳокимияти томонидан қатағон қилиниши оқибатида ўзбек хотин-қизлари ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашида ҳайрихоҳлик қилиб, далда бўлган ижтимоий гуруҳдан маҳрум бўлган бўлса-да, Туркистон жадидларининг хотин-қизларни таълим-тарбияга жалб этишда қилган ҳаракатлари зое кетмади. Улар ўзларининг жамиятда муайян мавқега эга эканликларини англаб етдилар.

Тараққийпарвар жадидлар орзу қилган мустақил юртимизда миллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳар томонлама комил шахсларни тарбиялашга давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқдаки, бу жараёнда миллат тарбиясига масъул бўлган аёлларнинг ҳиссаси алоҳидадир.

Шунинг учун ҳам, аёлларнинг бугунги кундаги ижтимоий фаоллиги замон талабидир.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги НУТҚИ (2019 йил 21 июнь)// [https://nrm.uz/contentf?doc=600968\\_o% E2% 80% 98zbekiston\\_respublikasi\\_prezidenti\\_shavkat\\_mirziyevning\\_oliy\\_majlis\\_senatining\\_yigirmanchi\\_yalpi\\_majlisidagi\\_nutqi\\_\(2019\\_yil\\_21\\_iyun\)&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=600968_o% E2% 80% 98zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirziyevning_oliy_majlis_senatining_yigirmanchi_yalpi_majlisidagi_nutqi_(2019_yil_21_iyun)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana) (SPEECH of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the twentieth plenary session of the Senate of the Oliy Majlis (June 21, 2019)// [https://nrm.uz/contentf?doc=600968\\_o% E2% 80% 98Speech\\_at\\_the\\_twentieth\\_general\\_meeting\\_of\\_the\\_Senate\\_of\\_the\\_Republic\\_of\\_Uzbekistan\\_by\\_Republic\\_of\\_Shavkat\\_Mirziyev\\_\(June\\_21,\\_2019\)&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=600968_o% E2% 80% 98Speech_at_the_twentieth_general_meeting_of_the_Senate_of_the_Republic_of_Uzbekistan_by_Republic_of_Shavkat_Mirziyev_(June_21,_2019)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana))
2. Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилдлик. 2-жилд. – Т.: Маънавият.1998. – Б.37. (Avloni A. Selected works. Volume 2. Volume 2. – T.: Spirituality. 1998. – P.37.)
3. Фитрат А. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. – Т.: Маънавият, 1998. – Б.98. (Fitrat A. Family or family management procedures. - T.: Spirituality, 1998. – P.98.)
4. Хотин-қизлар маорифи// Туркистон газетаси 1922 йил 7 октябрь 11-сон (Education of women and girls// Turkistan newspaper, October 7, 1922, No. 11)
5. Абдураимова Н., Алимов Ў., Абдувоитов Н. Жадиждлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари [https://uza.uz/uz/posts/jadidlar-milliy-ozlik-istiqlol-va-davlatchilik-goalari-video\\_547066](https://uza.uz/uz/posts/jadidlar-milliy-ozlik-istiqlol-va-davlatchilik-goalari-video_547066)
6. Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлар. – Т.:Ўзбекистон, 2003. – Б.102. (Safaeva S. Women's issue: general and national aspects. – T.: Uzbekistan, 2003. – P.102.)
7. Қаранг. Алимова Д. Марказий Осиё тарихшунослигида гендер тузилмаси мавжудми (мустамлака, совет ва ҳозирги замон). //Ўзбекистон тарихи. 2008. №2.-61 бет. (жами 59-69бетлар); Беҳбудий М. Хифз-и сихат-и оила. // Ойна.1914.№ 48-50; А.Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 1998;А.Авлоний. Туркий гулистон ёки ахлоқ. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. (See. Alimova D. Is there a gender structure in Central Asian historiography (colonial, Soviet and contemporary)? //History of Uzbekistan. 2008. No. 2.-61 pages. (total 59-69 pages); Behbudi M. Family health. // Mirror. 1914. No. 48-50; A. Fitrat. Family or family management procedures. - Tashkent: Ma'naviyat, 1998; A. Avloni. Turkish culture or ethics. -Tashkent: Teacher, 1992.)
8. [http://www.ziyouz.com/images/books/munavvar\\_qori.jpg](http://www.ziyouz.com/images/books/munavvar_qori.jpg)
9. Абдурашидхонов М. Хотираларимдан. - Т., Шарқ, 2001. – Б.62. (Abdurashidkhanov M. From my memories. - T., Sharq, 2001. – P. 62.)
10. Абдуллаева Я. Қорақалпоғистон хотин-қизлари. Кеча ва бугун (XIX-XX). –Тошкент: Ижод дунёси.2004. – Б.23. (Abdullaeva Ya. Women of Karakalpakstan. Yesterday and today (XIX-XX). -Tashkent: World of creativity. 2004. – P.23.)
11. Дўстмухамедова Д.Жадидчилик ва гендер// Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.№3 (31)/2005. – Б.165 (Dostmuhamedova D. History and gender// Social thought. Human rights. No. 3 (31)/2005. – P.165)
12. Тошкент.Энциклопедия. –Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти. 1992. –Б.213. (Tashkent. Encyclopedia. -Tashkent: Komuslar General Editorial Office. 1992. – P.213.)
13. Дўстмухамедова Д.Жадидчилик ва гендер// Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.№3 (31)/2005. – Б.164 (Dostmuhamedova D. History and gender// Social thought. Human rights. No. 3 (31)/2005. – P.164)
14. Тавалло. Ҳамширалар тилидан // Садои Туркистон, 1914, 24 декабрь (Tavallo. From the language of nurses // Sadoi Turkestan, 1914, December 24).
15. Сўфизода Муҳаммад Шариф. Ўқунглар оналар // Садои Туркистон, 1914, 17 май (Muhammad Sharif in Sufiza. Read mothers // Sadoi Turkestan, 1914, May 17.).

16. Дўстмухамедова Д.Жадидчилик ва гендер// Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.№3 (31)/2005. – Б.164 (Dostmuhamedova D. History and gender// Social thought. Human rights. No. 3 (31)/2005. – P.164)
17. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 1998. (Fitrat A. Family or family management procedures. - Tashkent: Spirituality, 1998.)
18. Фитрат А. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари.-Т.: Маънавият, 1998. – Б.104 (Fitrat A. Family or family management procedures.-Т.: Spirituality, 1998. – P.104.)
19. Мўминжон Тошкандий //Садойи Туркистон.1914.№8. – Б.3 (Mominjon Tashkandi // Sound of Turkestan. 1914. No. 8. – P.3.)
20. Амридинова Д. “Самарқанд жадидчилигининг ижтимоий-фалсафий моҳияти” 09.00.03.фалсафа тарихи фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Б.138. ( Amridinova D. "The socio-philosophical essence of Samarkand modernism" 09.00.03.dissertation submitted for the degree of Candidate of Philosophy in History of Philosophy. – P.138.)
21. Ҳожи Муин Ибн Шукрулло.Мазлума Хотин.1926. – Б.4. (Haji Muin Ibn Shukrullah. Oppressed Wife. 1926. – P.4.)
22. Ҳаққий И. Маориф масаласи. //Иштирокиюн.1919.№134. (Haqqi I. The issue of education. //Ishtirokiyun. 1919. No. 134.)
23. Туркистон хотинлари нега ўқумайдилар? //Иштирокиюн.1919.224-сон. (Why don't Turkestan women study? //Ishtirokiyun. 1919. No. 224.)
24. Ҳаққий. И.Маориф масаласи. Иштирокиюн. 1919. 134-сон.( Haqqi I. The issue of education. Get involved. 1919. No. 134.)
25. Мустафаева Н. Туркистон миллий зиёлиларининг қарашларида аёлларнинг оила ва жамиятда тутган ўрни масалалари // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари.-Т.: Фан. 1999. – Б.42. (Mustafaeva N. Issues of the role of women in the family and society in the views of the national intellectuals of Turkestan // The role of women and gender issues in the construction of the family, state and society in Uzbekistan.-Т.: Science. 1999. – P.42.)
26. Сора Музаффария. Айб ўзимизда/ Садойи Туркистон. 1914.№36 (Sora Muzaffaria. Blame it on ourselves/ Sadayi Turkestan. 1914. No. 36.)



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
ТОМ 7, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST  
VOLUME 7, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадqiqот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000